



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ: МИЛЛИЙ ВА ГЛОБАЛ ОМИЛЛАР

II-ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ДАСТУРИ

**2020 йил 16-17 октябрь
Самарқанд, Ўзбекистон**

“Food Security: National and Global Drivers”

**International Scientific and Theoretical
Conference**

16-17 October 2020

Samarkand, Uzbekistan

Самарқанд - 2020

5. Лукашик Н.А., Тащилин В.А. Зоотехнический анализ кормов. - М.: Колос, 1976.- С.216.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ГИДРОФИЛ ФЛОРАСИНИНГ ТАКСОНОМИК СТРУКТУРАСИ

¹Нурниёзов А.А., ¹Хамдамов И.Х., ²Ташпулатов Й.Ш.

¹Самарқанд ветеринария медицинаси институти,

²Самарқанд давлат университети

Флоранинг асосий характерли хусусиятларидан бири унинг флористик хилма-хиллиги ҳисобланиб, унинг ўзига хослигини тур, туркум ва оилалар сони ҳамда ўзаро нисбатлари белгилайди. Бундан ташқари, ушбу таксонларнинг нисбатан йирикроқ таксономик гуруҳлардаги ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга (Chambers, 2008; Kirichenko, 2015).

Самарқанд вилояти турли сув типларидаги гидрофил ўсимликлари флораси ўрганиш натижасида 72 тур ўсимлик ўсиши аниқланди. Улар 4 бўлим, 6 аждод, 32 оила 51 туркумга мансуб (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, гидрофил флоранинг катта қисмини Magnoliophyta бўлими ташкил этган ҳолда (87,5%), унинг бир уруғпаллали аждоди турлар сони бўйича яққол етакчилик қилган (50,0%), кейинги ўринни икки уруғпаллали ўсимликлар эгаллаган (37,5%).

Флорада Polypodiophyta ва Equisetophyta бўлими 1 тадан таксонларга эга бўлган ҳолда жами флорани 1,39 % га эгалик қилди. Bryophyta бўлимидан эса 7 тур аниқланиб, жами гидрофил флорани 9,72% ни ташкил этган.

Ўрганилган ҳудуд гидрофил флорасидаги асосий таксонлар нисбати таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, унда ҳам бир уруғпаллали ўсимликлар яққол етакчилик қилиши маълум бўлди (2-жадвал).

Жадвалдаги рақамлардан ҳам кўриш мумкинки, гидрофил флора асосий таксонларининг нисбати ниҳоятда номутаносиб тарзда шаклланганлигини кўриш мумкин. Флоранинг асосий қисмини ташкил қилган гулли ўсимликлар 25 оила (жами оилаларни 78,12%), 42 туркум (жами туркумларни 82,35%), 63 турни (жами турларни 87,5%) ўз ичига олган. Бир уруғпаллали ўсимликлар асосий таксонлари гидрофил флорада яққол етакчилик қилмоқда: 11 оила (34,37 %), 23 туркум (45,09 %), 36 тур (50,0%). Қирқбўғинтоифалар ва Қирққулоқтоифаларнинг асосий таксономик бирликлари нисбати ўзаро тенглигини кўриш мумкин.

1-жадвал

Самарқанд вилояти гидрофил флорасининг таркиби

№	Бўлимлар	Аждод	Оила	Туркум	Тур	Жами флоранинг % хисобида
1	Bryophyta	2	5	7	7	9,72
2	Equisetophyta	1	1	1	1	1,39
3	Polipodiophyta	1	1	1	1	1,39
4	Magnoliophyta шундан:	2	25	42	63	87,5
	Liliopsida		11	23	36	50,0
	Magnoliopsida		14	19	27	37,5
	Жами:	6	32	51	72	100

Уларни ҳар бири 1 оила (жами оилаларни 2,94%), 1 туркум (жами туркумларни 1,96%), 1 тур (жами турларни 1,38%) дан иборат. Йўсинтоифаларнинг асосий таксонлар нисбати қуйидагича бўлди: 5 оила (14,70%), 7 туркум (13,72%), 7 тур (9,72%).

2-Жадвал

Гидрофил флора асосий таксономик гуруҳларининг нисбати

№	Таксономик гуруҳлар	Оилалар сони		Туркумлар сони		Турлар сони	
		Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
1	Bryophyta	5	15,62	7	13,72	7	9,72
2	Equisetophyta	1	3,13	1	1,96	1	1,38
3	Polipodiophyta	1	3,13	1	1,96	1	1,38
4	Magnoliophyta шундан:	25	78,12	42	82,35	63	87,5
	Liliopsida	11	34,37	23	45,09	36	50,0
	Magnoliopsida	14	43,75	19	37,25	27	37,5
	Жами:	32	100	51	100	72	100

Гидрофил флорадаги турлар сони бўйича етакчи оилалар 9 тани ташкил этган ҳолда 44 турини ўз ичига олган ҳамда жами гидрофил флорани 61,11% га эгаллик қилган. Ушбу етакчи оилалар 23 туркумни бирлаштириб, жами туркумларнинг 45,09% ни ўз ичига олади (3-жадвал).

3-Жадвал

Гидрофил флоранинг полиморф оилалари таркиби

Флора тутган ўрни	Оилалар	Турлар сони	% да
1	Рoaceae	9	20,45
2	Cyperaceae	7	15,90
3	Polygonaceae	6	13,63
4	Potamogetonaceae	5	11,36
5-6	Plataginaceae	4	9,09
5-6	Typhaceae	4	9,09

7-8	Alismataceae	3	6,81
7-8	Ranunculaceae	3	6,81
7-8	Brassicaceae	3	6,81
Жами:	9	44	61,11

Қолган оилаларда 1-2 тадан турлар мавжуд ҳамда улар 38,89% га эгалик қилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, тадқиқот олиб борилган ҳудудда бир уруғпаллалли ўсимликлар оилалари (Poaceae, Cyperaceae) яққол етакчилик қилмоқда. Улар 16 турни ташкил этган ҳолда жами турларни 22,22% га эгалик қилган. Кейинги ўринларда эгаллаган 7 та етакчи оила 36,11% ни бирлаштирган.

Қолган оилалар куйигича кўринишга эга бўлди: Amblystegiaceae Kindb., Araceae Juss., Lamiaceae Martinov каби оилаларда 2 тадан тур мавжуд ва улар ҳар бири 2,77% дан, қолган Ricciaceae Reichenb., Pelliaceae Klinggr., Fissidentaceae Schimp., Bartramiaceae Schimp., Salviniaceae [Martinov](#), Equisetaceae Michx. Ex DC., Hydrocharitaceae Juss., Juncaginaceae Juss., Acoraceae Martinov, Butomaceae Mirb., Orchidaceae Juss., Ceratophyllaceae Gray, Salicaceae Mirb., Apocynaceae [Juss.](#), Onagraceae [Juss.](#), Datisceae Dumort., Urticaceae Juss., Asteraceae Bercht. & J. Presl, Haloragaceae R.Br. оилаларида 1 тадан тур мавжуд ва улар ҳар бири 1,38% ни ташкил этади.

Гидрофил флорадаги етакчи туркумлар таҳлили шуни кўрсатдики, тадқиқот олиб борилган ҳудудда юксак сув ва сув бўйи ўсимликларида аниқланган 6 туркуми (жами туркумларни 8,33%) турлар сони бўйича етакчилик қилади. Улар жами ўрганилган ҳудуд гидрофил флорасини 21 турини ўз ичига олиб, жами турларни 29,16% бирлаштиради (4-жадвал). Қолган 45 туркум 1-2 тадан турларга эгалик қилган ҳамда 51 турни ўз ичига олади, улар 70,84% ни ташкил этди.

Полиморф туркумларни таҳлилга кўра ҳам бир уруғпаллалилар етакчилик қилиши маълум бўлди. Маълум бўлишича, асосан гидрофил ўсимликлар *Cyperus* L., *Potamogeton* L., *Typha* L., *Persicaria* Mill. каби туркумларга хос бўлиб, улар сув ҳавзаларида турли экологик гуруҳларга хос ҳамда сув муҳитига ўсишга мослашган.

4-жадвал

Гидрофил флорадаги полиморф туркумлар таркиби

Флора тутган ўрни	Туркумлар	Турлар сони	% да
1	<i>Cyperus</i>	5	6,94
2	<i>Potamogeton</i>	4	5,55
3-4	<i>Typha</i>	3	4,16
3-4	<i>Persicaria</i>	3	4,16
3-4	<i>Rumex</i>	3	4,16
3-4	<i>Ranunculus</i>	3	4,16
Жами:	6	21	29,16

Тадқиқот олиб борилган ҳудуддаги турли типдаги сув ҳавзаларида ўсадиган сув ва сув бўйи ўсимликларининг таксонлар нисбатни таҳлил қилиш натижалари кўра дарё, канал ва зовурларда 25 оила, 35 туркум, 57 турлар учраши маълум бўлди. Сув омборлари, балиқчилик ҳовузларида 17 оила, 17 туркум, 19 турга мансуб турлар аниқланди. Тоғ сойлари ва булоқлари атрофида 9 оила, 10 туркум, 10 тур ўсиши гувоҳи бўлинди. Шолипояларда бегонаўт сифатида вақтинчалик

кўлмаклар ҳамда ўта сернам тупроқларда 17 оила, 19 туркум 21 тур ўсиши маълум бўлди.

Маълумотларни таҳлили шуни кўрсатадики, Самарқанд вилояти сув ҳавзалари гидрофил флорасининг 79,16% дарё, канал, ариқ ва зовурларда; 26,38% сув омборлари, балиқчилик ҳовузларида; 13,88% тоғ сойлари ва булоқлари атрофида ҳамда 29,65% шוליполялар, вақтинчалик кўлмак сувлар ва ўта сернам тупроқларда ўсиши аниқланди.

Ўрганилган ҳудудда дарё, канал, ариқ ва зовурлар каби оқадиган сув типларда турларнинг кўп учраши улар нисбатан каттароқ майдонларни эгаллаши, бошқа минтақалар билан бевосита алоқаси мавжудлиги адвентив турларни кириб келиши билан изоҳланади.

Адабиётлар:

1. Chambers, P.A. Global diversity of aquatic macrophytes in freshwater // *Hydrobiologia*. – 2008. – 595. – P. 9–26.

2. Kirichenko K.A. Changes in fatty acid composition of high aquatic plants of Angara river under the influences of cadmium chloride and hyperthermia // *Гидробиотаника 2015: Материалы VIII Всероссийской конференции с международным участием по водным макрофитам*. – Борок, 2015. С. 136-138.

ГРИБЫ РОДА *SEPTORIA*, ПОРАЖАЮЩИЕ ЛЕКАРСТВЕННЫЕ РАСТЕНИЯ В ЗААМИНСКОМ НАЦИОНАЛЬНОМ ПРИРОДНОМ ПАРКЕ

И.З. Ортиков¹, И.М. Мустафаев², Исломиддинов З.Ш.²

¹Андижанский филиал Ташкентского Государственного аграрного университета, ²Академии наук Республики Узбекистан Институт ботаники

Несмотря на то, что фармацевтические предприятия систематически предлагает новые, достаточно эффективные лечебные препараты, интерес к более доступным и менее вредным лекарственным растениям постоянно растет. Зааминский Национальный природный парк (ЗНПП) площадью 23 894 га расположен на северном склоне Туркестанского хребта в пределах Зааминского и Бахмальского районов Джизакской области Республики Узбекистан. Парк занимает территории с абсолютными высотами от 1000 до 4033 м. Высочайшей точкой является пик Шаукартаг (4033 м). Юго-западная часть парка граничит с населёнными пунктами Музбулак, Зартепа Бахмалского района, а юго-восточная – с Республикой Таджикистан. Парк был создан в 1976 г. с целью сохранения природных зарослей арчи (*Juniperus semiglobosa* Regel., *J. seravschanica* Kom., *J. turkestanica* Kom.), рационального использования ландшафтов, имеющих особую научную, экологическую, культурную и эстетическую ценность, а также для организации рекреации и туризма. В парке встречается 1107 видов высших растений. Наиболее многочисленными по числу видов являются семейства:

Жабборов А.Р. Биозарарлантириш ҳодисаси ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш истиқболлари	366
З.З. Қосимов., А.Н. Хужанов. Оккурай <i>Cullen drupaceum</i> (Bunge) C.H.Stirt. нинг дориворлик хусусияти	370
Имомова Д. А., Шеримбетов С.Г. Айдар-арнасой кўллар экосистемаси биологик объектларининг комплекс мониторинги хусусида	372
М.П. Юлдашева, М.А. Абдурайимова Катта фарғонаканали альгофлорасининг киш мавсумидаги экологик хусусиятлари	374
М.П. Юлдашева, Н.М. Абдулазизова Жанубий фарғонаканали альгофлорасининг киш мавсумидаги таксономик тахлили	376
М.С. Куликовский, А.М. Глушенко, И.В. Кузнецова Штрих-кодирование водорослей внутренних водоемов как необходимая основа современных исследований	378
М.С. Куликовский, А.М. Глушенко, И.В. Кузнецова Уникальное разнообразие водорослей в древних водоемах	379
М.С. Куликовский, А.М. Глушенко, И.В. Кузнецова Современная систематика диатомовых водорослей (Cymbellales)	379
Н.Ю. Кучкаров <i>Inula helenium</i> L. турининг мавсумий ривожланиш мароми (фенологияси)	382
Қудратов Ж., Анорбоева Ш. Жанубий Нурота тоғлари қориноёқли қуруқлик Моллюскаларининг тарқалишига доир янги маълумотлар	384
М.К. Мирзайтова Шафтолининг ун шудринг касаллигига қарши кураш чоралари	386
К.С. Маманазарова Бир хужайрали кўк яшил сувўти спиролина <i>Spirulina turpin</i> ex gomont турларининг аҳамияти	388
Мамасалиев И.Ф. Тамаки касалликларига қарши самарали кураш усуллари	390
Маткаримова Г.М. Полезные и целебные свойства кизила (<i>cornus masl.</i>)	392
Номозова З.Б., Ҳасанов М.А., Бобоқандов Н.Ф., Тоирова М.М. <i>Cynara scolymus</i> L. уруғпаллабаргининг анатомик тузилиши	395
Номозова З.Б., Исомов Э.Д., Бобоқандов Н.Ф., Тоирова М.М. <i>Cynara scolymus</i> L. нинг ривожланиш фазасига кўра кимёвий таркиби	397
Нурниёзов А.А., Хамдамов И.Х., ²Ташпулатов Й.Ш. Самарқанд вилояти сув ҳавзалари гидрофил флорасининг таксономик структураси	400
И.З. Ортиқов, И.М. Мустафаев, Исомиддинов З.Ш. Грибы рода <i>septoria</i> , поражающие лекарственные растения в зааминском национальном природном парке	403
Sh.Q. Yuldasheva, G.B. Po'latova, M.O. Nurmatova Asalari zararkunandalari va ularga qarshi kurashish chora tadbirlari	405
О.А. Пўлатов, Э.У. Умурзоқов Грек ёнғоғининг зараркунандалари ва уларга қарши кураш усуллари	406
С. Дадаев, С. Зайниев, М. Алламурастов Гельминты крупного рогатого скота и их профилактика в условиях юга узбекистана	409
Ш.А. Тешабоева, И.М. Мустафаев, М.М. Иминова Жиззах вилояти ҳудудида кийикўт (<i>ziziphora</i> L.) да учрайдиган замбуруғ касалликлари	411
У.М. Бойжонов, Л.Б. Халмирзаева, А.Р. Рахимов Эффективность применения химических препаратов в плодовом саду абрикосов	413
Файзуллаева З.Р., Кахаров Б.А., Каюмов Х.Ю., Асадуллаев Ж.Н. Характеристика антимикробной активности экстракта из артишока колючога	415
Нарзуллаев С.Б., Мавлянов О., Хакимов Н.Х. Паразитические нематоды подсемейства anguininae (Tylenchida, Nematoda) дикорастущих растений Зарафшанских гор в Узбекистане	417